# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1999 йил, 23 ноябр

43 (216)- сон


## САЙЛОВЛАР — КУЧЛИ ҲОКИМИЯТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ ЙЎЛ

**Азиз ҳамюртлар! Муҳтарам сайловчилар!**

**Миллатнинг эртанги тақдири, жамиятнинг тараққиёти қонунларга ва қонунларни қабул қилишда иштирок этувчи Олий Мажлис депутатларига боғлиқ. Кучли ҳокимият вазифаларини маҳаллий ҳокимият идораларига узатиш асосида кучли демократик жамият қуриш ва жамиятнинг ҳар бир бўғинини зиё нури билан ёритиш «Миллий тикланиш» демократик партиясининг бош мақсадидир. Тараққиётнинг энг олдинги сафида борувчи зиёлилар учун овоз беринг! Уларнинг йўли эзгулик ва ғалаба йўлидир!**



Озод сайловлар шукуҳи дилда

## ДАМ БУ ДАМДУР...

Улкан сайловларга сайловчилар ва номзодлар кун-кундан тайёргарлик жараёнларини чинакам фаолиятларига уйғунлаштириб бормоқдалар. Номзодларнинг сайловчилар — халқимиз билан бўлиб ўтаётган учрашувлари кишиларимизнинг бу маънода фаоллашиб, ўз ҳуқуқини ва масъулиятини тобора теранроқ англаётганидан далолат бермоқда.

— Катта ва кичик муаммоларни, хусусан, ўз туманида турли соҳаларда ечимини кутаётган вазифаларни ўзлари сайлайдиган номзодлар кўмагида чинакам демократик тартибда ҳал қилинишига катта ишонч билан турибдилар, — дейди 39-Булоқбоши сайлов округидан сайловчилар билан учрашувларда қатнашган номзодимиз Тошпўлат Тошлонов. — Улар учрашувларда бизга шу ҳақда сўз айтаяптилар. Муаммоларга ҳар бир партия ва ҳар бир номзоднинг муносабати, уларнинг аниқ таклифлари ва ҳаракат дастурларининг моҳияти сайловчиларни қизиқтираётгани бизни қувонтиради. Ва сайловчилар бу учрашувларда мулоқотга киришиб, ўз саволларига жавоб олмоқдалар.

Ҳақиқатда, бу дамлар қизғин, бу дамлар масъулиятли ва эркинлик нафаси билан қувончли, мангу буюк келажагимизнинг ибтидо дамларидир.

*Оила ва шахс*

## ХОНАДОН ҲИКМАТИ

Шарқда азалдан оила асосий тарбия ўчоғи саналади. Тарбиянинг миллий хусусият касб этиши ҳар бир тараққиёт жараёни учун мезон бўлиб келган. Шу маънода оиладаги миллий тарбиянинг этнопсихологик хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритиш истагидамиз.

Миллатимиз ўзига хос этнопсихологик хусусиятларга эга. Унинг ўзига хос турмуш тарзи, характери, оиласи ва урф-одатлари бу хусусиятларнинг асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб келишини таъминлаган. Булар оилада боланинг шахс сифатида тарбиялаб вояга етказишда ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Бизнинг фикримизча, оиладаги миллий тарбиявий жараёнда этнопсихологик хусусиятларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда:

**Биринчи.** Оилада фарзанднинг миллий характерли бўлиб ўсиши. Қадим мутафаккирларимиз оилада, таъбир жоиз бўлса, миллий характерли бўлиб ўсишар эди. Навбатдаги тарбия босқичи бўлган мактабга улар шаклланган характер билан боришар эди. Бугун ҳам оилада ўз миллати қиёфасидан хабардор, одобахлоқли, ота-онасини идеал билувчи, ўзидан катталарга ҳурмат сақловчи, руҳий кўтаринкиликка эга фарзандлар тарбияланиб, вояга етишлари лозим. Айниқса, мактаб ёшидаги бола, модерн қиёфали эмас, балки миллий руҳиятли инсон сифатида шаклланаётган фарзанд бўлиши лозим.

**Иккинчи.** Оилада фарзанднинг замон кишиси бўлиб ўсиши. Бунда замон талабларига жавоб берадиган фидойи, Ватанни севувчи, жамият муаммоларини ўзиники билувчи, умум ишида фаоллик кўрсатувчи, маданиятли шахсни тарбиялаш назарда тутилади. Собиқ совет тоталитар тузумида «замон кишиси» деганда, бир сўз билан айтганда, яккаҳукмрон мафкурага қарсакбоз бўлувчилар тушунилар эди. Бугун эса, биз тушунган ва истаган замон кишиси ўз мустақил фикрига эга бўлган энг фаол кишидир. Фарзандни замон кишиси қилиб тарбиялаш учун аввало оила соҳибларининг ўзлари саводхон, маънавий мулоҳазали бўлиши матлубдир.

**Учинчи.** Оилада фарзанднинг миллий мафкурали бўлиб ўсиши. Президентимиз ўзларининг ҳар бир чиқишларида жамиятда миллий тафаккурнинг тезроқ қарор топишини орзу қилиб таъкидлайдилар. Чунки миллий тафаккур миллатнинг тажрибалари ва инсоният тафаккур бобида эришган ютуқларни уйғун тарзда қабул қилиш натижасида шаклланади. Бунинг учун оилада фарзандни саводхон қилиб тарбиялашга эътибор қаратиш муҳим.

Ўзбек оиласида бериладиган тарбиянинг этнопсихологик мазмуни бугунги тарбиявий муаммоларни ҳал этишда ишонарли таянч бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун миллатимизда тажриба ва асослар етарли. Фақатгина уни ўзлаштириб ва такомиллаштириб борсак, тарбиявий ҳаётга, хусусан, оилага тадбиқ қилсак, бас.

Кези келганда, яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, тарбия жараёнида этнопсихологик хусусиятларни ҳисобга олиш миллий маҳдудлик эмас, балки тараққиётнинг миллий ўзанини белгиловчи омилдир. Ҳозирги ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз ушбу масалани ижобий ҳал қилишни тақозо этмоқда. Бу шаклланаётган янги миллий мафкурамиз талабларига ҳам тўла уйғундир.


**Гулбаҳор АЗИМОВА,**
**Республика «Оила» илмий-амалий маркази аспиранти**


## МУБОРАК КАРИМХЎЖАЕВАНИНГ САЙЛОВОЛДИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

«Миллий тикланиш» партияси дастурининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб тузилган мазкур дастурда «Барча соҳалардаги Миллий тикланиш — Миллий юксалишни, бу эса БУЮК ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ҚИЛАДИ» деган шиоримнинг асосларини яратиш ҳаракат йўналишлари акс этган.

**Сиёсий соҳада:** Миллий ғоя, миллий истиқлол мафкурасини тарғибот қилиш орқали Ўзбекистон халқининг умуммиллий, ватанпарвар бирлигини янада мустаҳкамлаш, маънавиятга йўғрилган демократия, инсон ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоясини янада такомиллаштириш, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишни ҳуқуқий таъминлашга қаратилган фаол иштирок этишдир.

**Иқтисодий соҳада:** ишлаб чиқариш оилавий бизнесни ривожлантириш, иш ўринларини ташкил қилиш, тўкин-сочин ҳаёт манбаи бўлган хусусий мулкчиликни ривожлантириш, табақалаштирилган солиқ тизими масаласини муҳокама қилиш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида соғлом рақобатни рағбатлантирувчи қонунчиликни такомиллаштиришда иштирок этиш; амалиётчи иқтисодчи аёл сифатида оналар, аёлларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш; ишлаб чиқарувчилар орасида соғлом рақобат муҳитини ҳосил қилиш орқали харидорлар манфаатларини ҳимоя қилиш.

**Ижтимоий соҳада:** Пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз оналар, ўқувчи, талабаларни ҳар томонлама ҳимоялаш. Ишсизларга янги ишчи ўринлари ташкил қилиш, ўқитувчилар, тарбиячилар, тиббиёт, маданият ходимлари, зиёлиларнинг иқтисодий ҳолатини янада яхшилаш. Аёл, она, оила, болалар манфаатлари ҳимоясига алоҳида аҳамият бериш.

**Маънавият ва маърифат соҳасида:** Миллий маънавиятимиз дурдоналарини тиклаш, асраб-авайлаш, миллий тарбияни юксалтириш, жамиятнинг маънавий янгиланишида фаол иштирок этиш, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маънавияти ва маданиятини юксалтириш, харидорлар талабларини муттасил ўрганиб, уларни қондириб боришга қаратилган ишларни амалга ошириш, харидорлар эҳтиёжларини ўрганиш орқали ички ва ташқи савдо алоқаларини такомиллаштириш.

## ГУЛАНДОМ БОНУ

Хоҳ бирон маърака-издиҳом, хоҳ гавжум илмий анжуман, хоҳ бирон мажлис-маросим бўлсин, у мени кўргани ҳамон маҳкам қучоқлаб, бетларимдан «чўлп-чўлп» ўпади. Меҳр тўла кўзларида ёш билан, худди отасидай эркалайди ва эркаланади. Ҳаммага эшиттириб, «Дадам», «Дадажоним», дейди.

У мени дада дейишга тўла ҳақли. Негаки... Тасодифга асосланган қонуниятми ёки қонуниятга чулғанган тасодифми, билмадим: қиблагоҳи, раҳматлик профессор Ҳисом Ғуломов зукко тилшунос олим, камина ҳам асл ихтисосим тилшунос бўлиб, узоқ йиллар Фанлар академиясида билла хизмат қилганмиз. Иккаламиз ҳам бир илмий мактабнинг намояндаси, устоз профессор Улуғ Турсуннинг шогирди эдик.

Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, дейишади. Профессор Ғуломов ҳам олим, ҳам одамохун эди. Она тилимизни жуда чуқур ва нозик биларди. Тилни заргарона ҳис этарди. Таниқли сўз усталари, ойнаи жаҳон сухандонларига адабий талаффуз, оҳанг, зукколик, нуктадонликдан сабоқ берган. Фасоҳат, назокат ва нотиқлик сирларини ўргатган. Луғатшунослик илми ва амалиётида моҳир, ўзбек тилининг шеваларини яхши тасниф қилар эди. Энг муҳими: шарқона ҳаёт тарзи, ахлоқ-одоб, булоқ сувидай мусаффо миллий қадриятларимиз, ўзбеконалик руҳини ўз фарзандларининг онгига ва қалбига теран сингдиришга улгурди. Афсус, узоқ яшамади. У билан сўнгги учрашувим сира ёдимдан чиқмайди. Юзларида илиқ табассум жилваланиб турган бўлса-да, руҳиятида нечукдир ҳорғинлик, ўйчанлик, безовталик ястаниб ётарди.

— Худога шукр, болаларимдан розиман. Ўғлим узоққа кетади, Ғайбулла ука, — деб таъкидлаганди ўшанда у. — Умидим катта. Қизим Гуландом бўлса менинг изимдан кетди... У ҳали отаси эришолмаган чўққини забт этади. Ишонаман.

Шундай бўлди ҳам. Ажабмас, у ўйлагандан ҳам зиёда бўлди. Демак, ҳозир баҳс Гуландом бону хусусида. Ўйланиб қоламан. Дарвоқе, бугунги имлога биноан қандай ёзиш керак? «Бону»ми ёки «бони»? Аслида, ҳар иккаласи ҳам тўғри. «Бону» — хоним, ойим; «бони» — қурувчи, бинокор маъносини беради. Бундай олганда, ҳар иккала сифат ҳам унинг жуссасида ва аъмолида мавжуд.

Гуландом бону Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети бағрида икки карра толиба бўлди. Икки ихтисосликни қўлга киритди. Аввалига инглиз тили мутахассиси бўлиб чиқди. Кейинчалик, замона зайлига кўра, рус филологиясини ҳам хатм қилиб, яна бир олий маълумот васиқасига эга бўлди. Қўш имтиёзли қизил диплом билан иш фаолиятини бошлади. Дастлаб кафедра лаборанти, сўнгра ўқитувчи, аспирант, фан номзоди, доцент, минбаргоҳ мудираси, фан доктори, профессор, мазкур дорилфунун проректори ва айни маҳалда халқаро журналистика факультетининг декани вазифаларида хизмат қилаётибди.

Омадми? Омад. Бахтми? Олим бўлсанг, олам сеники, дейишади. Тағин айтадиларки: олим бўлсанг... алам сеники. Қай бири тўғри? «Олам»ми ёки «алам»? Ҳар иккаласи ҳам рост!

— Менинг биринчи раҳнамойим, мураббий ва доно муаллимим — раҳматлик падари бузругворим бўладилар, — дейди у хўрсиниб. — Шарафли ва машаққатли илм йўлини ихтиёр этиш, юрак ютиб, игна билан қудуқ қазишга киришиш менга йўл бўлсин эди, агар бошим узра соябоним — ҳазрат дадажоним бўлмаганларида! Мени отам кашф этдилар. Падар дуоси доимо йўлимни қуёш нурларидай чароғон қилиб турди. Буни ҳаёт дейдилар. Ҳаёт эса ҳар хил кечаркан. Гоҳида артилган лампа шишадай, беғубор, ризқ-рўзи файз-бароқотли. Баъзан бундайроқ. Бир қарабсанки, дунё кўзингга тор. Ўзингни қўярга жой тополмайсан... Умуман, аёл бўлиш қийин. Бошимга оғир кунлар тушганида, болаларимнинг адажониси, ёстиқдошим ёнимда туриб берганлар. Токи ҳаёт эканман, рўзғоримдан минг қатла розиман.

— Мен учун яна бир катта таянч устозим, таниқли фан арбоби Жамолиддин Бўронов бўладилар, — дея сўзини давом эттиради Гуландом. — Майда чақир тош кўзингни чиқариши, ҳатто ҳалок қилиши мумкин. Аммо ТОҚҚА суянган одам ҳеч қачон қоқинмайди, йиқилмайди, панд емайди. Ким нима деса деяверсин. Мен таобад бу донишманд инсондан розиман. Жамолиддин Бўронов зукко, тадбиркор, мард ва ҳалол инсон. Қиёсий тилшунослик, герман филологияси, типология, лисоний таржимашуносликда тенги йўқ алломаи даврон. Диёримизда унинг панжасига панжа ура оладиган олим йўқ. Дангалчи. Оғани бу ерда ҳақли суратда дорилфунуннинг отаси деб билишади. Нақл борким, ёнингдан оққан сувнинг қадри йўқ. Бундай зотларни асраш керак.

Гуландом Боқиева бешта тилни билади. Ўзбек тили, инглиз тили, рус тили, форс-тожик тили... Яна бир муқаддас тил — ОИЛА тили: содиқ ёстиқдош, қуда-анда, қавм-қариндош, фарзандлар билан мулоқот тили, сарпо-саришталик, муросаю мадора, инсоф ва диёнат тилини яхши эгаллаган. Шу тил билан туғиласан, шу тил билан яшайсан, шу тилда куласан, шу тилда йиғлайсан ҳам киши...

Ровийлар айтурлар: бир тилни билсанг — бир карра одамсан. Икки тилни билсанг — икки карра одамсан. Уч тилни билсанг — уч карра одамийликни хатм қилгансан...

У инглиз тилида гапиради: миллиардлаб инсонлар билан мулоқотга кириша олади. Рус, форс-тожик тилларида миллионлаб кишилар билан сўзлаша билади. Ўзбек тилида эса бутун жону жаҳони, ўз халқи, ва боя айтганимдай, оиласи, онайи зори, укалари, гулдай фарзандлари ва мурғак набиралари билан яйраб «чуғурлашади». Рост-да: шу тил эмасми уни кенг, ёруғ оламга олиб чиққан. Шу тил эмасми уни одам қилган, унга исм-жисм, обрў-эътибор, бурд, дийну диёнат, иймон берган. Шу тил эмасми унга Ўзбекистондай кенг ва ёруғ Ватан ато этган. Шу тил эмасми уни кўп минг йиллик тарихи, миллати, етти пушт аждоду авлодлари билан боғлаб турган ришталар рамзи.

Сайлов баҳона, дийдор, изҳори дил ғанимат. Бу гапларни, азиз муштарий, воқиф бўлгайсизким, филология фанлари доктори, профессор Гуландомой Боқиеванинг Республика Олий Мажлисига депутатликка номзоди қўйилгани муносабати билан ёзаётибман.

Гуландом Тиллар дорилфунунида проректор ва декан вазифаларида ишлар экан, ўзини «халқаро миқёс»да кўрсатиб қўйиш учун ҳаракат қилаётгани йўқ. Кўптиллилик, зуллисонайнлик унга насиб этган экан, бу шунчаки ноёб полиглотлик қобилиятини намойиш этиш учун ҳам эмас. Э-э... Киши, борингки, юз тилни билган тақдирда ҳам, қалбида нур, онг-шуурида долзарб, ёруғ, эзгу мақсад ва амалиёт бўлмаса — ватанга, одамларга, эл-улус, раъиятга бундан не фойда?

Бизнинг номзод ҳеч кимга ҳеч қандай ҳавойи, пуч ваъдалар бермайди. Ваъдабоз эмас. Ҳеч кимни Кўҳи Қофга олиб чиқаман деб қасам ичмайди. Лафзи ҳалол инсон. Аммо оғзини тўлдириб айтса, ҳар қанча мақтанса арзирлик улкан ишларни, сайловчиларига ваъда бермай туриб ҳам, бажариб қўйганлардан. У АҚШ, Юнонистон, Испания, Белгия, Хитой, Туркия, Ироқ, Малайзия сафарларидан бир олам таассурот билангина қайтган эмас. Республикада 13 та хорижий тил марказларини очишда фаол иштирок этди. Она диёрига, қадрдон илмий хонадони — дорилфунунига, шу кунларда сувдай, ҳаводай зарур бўлган валюта олиб келди. Университет раҳбарияти кўмагида, антиқа ажнабий номлар билан фаолият кўрсатаётган бир қанча фирмалар, корпорациялар, марказлар, хайрияжамоа муассасалари тарафидан грант мукофоти тариқасида 500.000 (беш юз минг) доллар маблағни қўлга киритиб, кенг миёқсда қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Янги очилган халқаро журналистика факультетини, бошқа куллиётларни ҳам энг замонавий техникавий жиҳозлар, дарсликлар, луғатлар, ўқув қўлланмалари, чойхона, радио тармоқлари, ўқув телевидениеси билан қуроллантирмоқда. Ўзи декан бўлиб ишлаётган халқаро журналистика факультетининг профессор-ўқитувчилар жамоаси маошларини икки ҳисса оширишга эришди. Икки ҳисса!

Бу кўламдор ишларнинг барини, бундан бўлак яна кўп хайрли юмушларни ҳам, ҳали Олий Мажлис нойибаси бўлмай туриб дўндириб амалга оширди. Бўлар экан. Худо хоҳласа, депутатликка сайланганидан сўнг яна қандай азамат ишларни уҳдалаши...

Йўқ, ҳаддимдан ошмайин.

Буёғи ҳозирча сир.

Соғ-омон бўлсак, иншооллоҳ, кўраверамиз...

**Ғайбуллоҳ ас-САЛОМ**


## XXI АСРГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!

**•ҚАДРИНГИЗ ТИКЛАНИШИНИ ИСТАЙСИЗМИ?**
**•УМУМАН ҲАЁТДА ТИКЛАНИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?**
**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!**
ЖАВОБ ТОПАСИЗ!



*Азиз юртдошлар!*
*Ҳар соҳада тикланиш ҳаракатини бошланг! Бу ишда сизга зиё нурини «Миллий тикланиш» газетаси таратади. «Миллий тикланиш»ни ўқинг, унга ёзилинг ва уни тарғиб қилинг! Бу ҳар бир онгли фуқаронинг виждон ишидир.*


*Бир ўқ атрофида айланар дунё*

### 2000 ЙИЛ МУАММОСИ

**Қўшма штатлардан маълум қилишларича, икки мингинчи йил кириши билан компютерларнинг ишдан чиқишининг олдини олиш бўйича амалиётлар учун юз миллиард доллар сарфланади. Америка савдо вазирлигининг ҳисоботида айтилишича, АҚШ иқтисодиёти вақтинчалик қийинчиликларни енгиш учун етарли даражада барқарор. Мазкур ҳисобот муаллифларининг сўзига қараганда, компютерларнинг ишдан чиқиш эҳтимоли хусусида американликларнинг хавотири анча кам. Шунинг учун одамларда охирги дақиқаларда пулларини олиш учун банкларга ёки озиқ-овқат ва кундалик истеъмол молларини жамлаб қўйиш учун дўконларга ўзини урмасликларига тўла асос мавжуд.**

### ЭНГ ЙИРИК НАРХ

Жаҳондаги энг йирик бриллиантлардан бири Швейцариядаги «Сотбис» аукционида сотилди. Шимолий калифорниялик номаълум харидор аёл мазкур бриллиант учун 4 миллион доллар таклиф этди. Барча қимматбаҳо тошлар каби эндиликда бу бриллиант ҳам ўз номига эга бўлди. Тош эгаси 55 каратлик бриллиантга «Мерена» деб ном берди.

Аукционда сотилган қимматбаҳо буюмлардан бири бриллиантлардан ясалган халқа ҳисобланади. Ушбу нодир буюм дастлабки нархидан икки баравар қимматга, яъни бир миллион долларга баҳоланди. 15 каратли алвон бриллиант савдоси ҳам чакки бўлмади. Мутахассиларнинг фикрича, тошлар орасида бу хил рангдагиси ўта камёб ҳисобланади. У салкам 3 миллион долларга сотилди.

### ТАЪНАГА ЎРИН ЙЎҚ

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Истамбулдаги саммитида президент Борис Елцин Россиянинг Чеченистондаги ҳарбий ҳаракатларини ҳимоя қилиб чиқди. У 50дан ортиқ мамлакатларнинг олий даражадаги раҳбарлари Россияни бу масалада танқид қилишга ҳаққи йўқ деб айтди. Барча террорчилар тор-мор этилганидан сўнггина Россия Чеченистон масаласини сиёсий йўл билан ҳал этади, деб баёнот берди Россия президенти. Бундан илгари, БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва ЕХҲТ раиси Кнут Воллебек террорчилик билан курашда ҳаддан зиёд куч қўлланаётгани хусусида Россияни танқид қилиб ўтишганди.

### РОССИЯНИНГ ТАКЛИФИ

**Россия Ироқ нефтини экспорт қилишда чеклашни олиб ташлашга чақирди. Ироққа нефт экспортидан тушган маблағга озиқ-овқат ва дори-дармонлар сотиб олиш имконини берадиган БМТ дастурини кўриб чиқиш арафасида ушбу таклиф кўтарилди. Москва, шунингдек, Бағдод билан халқаро ҳаво алоқасини тиклашни қўллаб-қувватлашини ҳам билдирди. Бироқ, АҚШ ва Буюк Британия Ироқ олти ойда беш миллиард доллардан ошиқ бўлмаган микдорда нефт сотиши мумкинлиги, кўрсатилган шарт ўзгармай қолиши лозим, деган фикрда туришибди. Шу билан бирга БМТ Хавфсизлик Кенгашида Ироқдаги ҳарбий дастур назоратини қандай амалга ошириш мумкинлиги хусусида мунозаралар давом этмоқда.**

**«Туркистон-пресс»**

# ЎзМТДП томонидан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодлар билан таништирамиз

## ИБРОҲИМ АБДУҒАНИЕВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

Ушбу дастурда Миллий тикланиш партиясининг стратегик вазифаси ифода этилган бўлиб, унинг асл мақсадини — «Миллий тикланишдан жаҳон цивилизацияси сари» ғояси ташкил этади.

**Сиёсий соҳада:** «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида жамиятда барқарорликни, миллатлараро, динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш.

**Иқтисод соҳасида:** — иқтисодий ислоҳотларнинг ўзбек моделини ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида республикамизнинг миллий иқтисодиётини тобора ривожлантириш, ўзбек халқининг руҳиятига мансуб бўлган меҳнатсеварлик, тадбиркорлик, ҳалоллик ва бошқа шу каби хислатларини инобатга олган ҳолда, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни жадаллаштириш. Бунга асосий диққат-эътибор дунёга машҳур бўлган миллий ҳунармандчиликни, маҳаллалар қошида кичик корхоналар очиш, касаначилик (уй) меҳнатини ташкил қилиш орқали тиклаш ва ривожлантиришга қаратиш.

**Ижтимоий соҳада:** пенсионерлар, ёлғиз оналар, талабалар, ишсизлар ва ногиронлар ҳимоясини кучайтириш.

Зиёли — олимларни ўқитувчиларни, тиббиёт ходимларини маданият ва бошқа соҳага мансуб хизматчиларни моддий аҳволини яхшилашга алоҳида эътибор берилади.

Халқимиз орасида маънавият ва маърифат ишларини янада юқори кўтариш, айниқса, талабаларни, ўқувчиларни тарихий, миллий, маънавий-маърифий ва умуминсоний қадриятларни тиклашга жалб этиш, уларни ўзлигини англаш, миллий онгини ошириш, дунёқарашини ўзгартириш кўзда тутилади. Олий Мажлис сессияларида биринчи навбатда қуйидаги масалаларга эътиборни қаратиш керак деб ҳисоблайман:

1. Ёшлар муаммолари бўйича вазирлик тузиш;
2. Қуйидаги қонунларни қабул қилиш:
— давлат хизматчилари ҳақида;
— Интеллектуал мулк ҳақида.
3. Касаначилик (уй меҳнати) меҳнатидан унумли фойдаланиш ва бу борада яратилган шарт-шароитлардан касаначиларнинг тўла фойдаланишини қаттиқ назоратга олиш.
4. Миллий кадрлар тайёрлаш дастурини, таълим, «Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатининг давлат асослари»га, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда соғлиқни сақлашга бағишланган қонунларни ҳаётга тадбиқ этишда фаол қатнашиш.
5. Чет эл жамғармалари, «Устоз», «Умид» жамғармаларидан унумли фойдаланиш, чет эл ўқув юртларида ўқиб келган ёш мутахассисларга олган билимларини Ўзбекистоннинг ривожига сарфлашлари учун шароит яратиш.
6. Нафақа олаётган фуқаролар учун тўла равишда нафақа (пенсия) олиб ишлаётган мутахассисларнинг рўйхатини кенгайтириш мақсадида иқтисодий база яратиш;

Нафақа олувчиларга тегишли тизимни такомиллаштириш (нафақа бадалларини ҳисобга олишда, ҳамдардликдан (солидарность) якка тартибдаги принципларга ўтиш).

7. Қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида мутасадди шахсларни ва масъул ташкилотлар раҳбарларини маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари олдида ахборот беришларини мунтазам йўлга қўйиш, матбуот телевидение, радио орқали халққа етказиш.
8. 90-Наманган сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод сифатида ушбу округ фуқароларининг иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий масалаларини ечиш, уларнинг ҳаётий манфаатларини Наманган шаҳри, туман, вилоят ҳокимиятлари ва давлат ташкилотлари олдида ҳимоялаш масалалари билан мунтазам шуғулланиш.

## БЕКМУРОД ҚОДИРОВ

*135 — Шеробод сайлов округидан*



1948 йил 20 ноябрда Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги «Хўжанқо ота» ўрамидаги Чинор қишлоғида туғилган. 1970 йилда Термиз давлат педагогика институтининг педагогика факултетини имтиёзли диплом билан тугатган. 2 йил Сурхондарё вилоятининг «Сурхон тонги» рўзномасида адабий ходим бўлиб ишлагач, армия хизматини ўтаган.

1973-75 йилларда Ёшлар қўмитаси котиби, 1975-78 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида аспирант, 1978-84 йилларда табиёт факултети декани, 1988-99 йилларда педагогика ва психология факултети декани бўлган. 1999 йил сентябр ойидан педагогика ва жисмоний тарбия факултети декани лавозимида ишлаб келмоқда.

Бекмурод Қодиров педагогика фанлари доктори, профессор, халқаро педагогика Фанлари академиясининг академиги.

У «Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси», «Ҳарбий ҳаво кучлари аълочиси» нишонлари соҳиби.

Оилали, 5 фарзанднинг отаси.

## ЭРКИН КАРИМОВ

*12-Қорақамиш — сайлов округидан*

Эркин Каримов 1942 йил 21 январда Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1963—1967 йилларда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида таҳсил олган. Сўнгра шу институтда кафедра ўқитувчиси, 1976—1988 йилларда Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида тренер, 1988—1990 йилларда Тошкент шаҳри ва вилояти касаба уюшмалари «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамиятида бўлим бошлиғи, 1988—1994 йилларда Тошкент давлат техника университетида ўқитувчи, доцент, 1994 — 1996 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлим бошлиғи, 1996—1999 йил 2 январгача Тошкент Молия институтида мураббийлар кенгашининг раиси, доцент вазифаларида ишлаб келди. Айни пайтда ТошДУ жисмоний тарбия кафедрасининг доценти лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Эркин Каримов Ўзбекистон



Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Фахрийлар кенгаши ҳамда Олимпия Миллий қўмитасининг аъзоси, Республика оғир атлетика федерациясининг вице-президенти, миллий тоифадаги ҳакам, халқаро синф спорт устаси,

Оилалик, 3 фарзанднинг отаси.

## ОЗОД АТА-МИРЗАЕВ

*24-Юнусобод сайлов округидан*

Озод Ата-Мирзаев 1939 йил Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган.

1962 йили Тошкент Давлат университетининг география факултетини битирган ва у ерда илмий тадқиқот бўлимида меҳнат фаолиятини бошлаган.

1962 йилдан то 1998 йилгача Тошкент Давлат университети география факултетида ишлаб келган. Катта лаборант лавозимидан бошлаб, кичик илмий ходим, катта илмий ходим, катта ўқитувчи, доцент,



аҳолишунослик илмий тадқиқотлар лабораторияси мудири, кафедра мудири лавозимларида ишлаб келган.

1998 йилдан Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишламоқда.

1995 йилдан Ўзбекистон Республикаси Миллий тикланиш демократик партиясининг аъзоси, партия Марказий Кенгашининг котиби. О. Ата-Мирзаев география фанлари доктори, профессор, аҳолишунос олим.

Оилалик, уч фарзанди бор.

## РАШИД ШУКУРОВ

*178-Қўқон сайлов округидан*



Рашид Шукуров 1942 йил 14 январда Фарғона вилояти, Учкўприк туманидаги Ёв қишлоғида туғилган.

1960—1965 йилларда Қўқон Давлат педагогика институтида ўқиган.

1965—1968 йилларда Учкўприк туманидаги 8-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, 1968—1975 йилларда ЎзФА Тил ва адабиёт институтида лаборант, илмий ходим лавозимларида ишлаган.

1975—1979 йилларда Тошкент Давлат Маданият институтида катта ўқитувчи, 1979—1996 йилларда Қўқон Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг катта ўқитувчиси, кафедра доценти, кафедра мудири, тарбиявий ишлар бўйича ректор ўринбосари вазифаларида ишлади. 1996 йилдан шу институтда маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Рашид Шукуров филология фанлари номзоди, 1994 йилда «Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочиси» нишони билан мукофотланган.

Оилали. Уч фарзанднинг отаси.

## РАҲМАТАЛИ ЖАЛИЛОВ

*176-Яйпан сайлов округидан*

Раҳматали Жалилов 1958 йилнинг 20 августида Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани Сочтепа қишлоғида деҳқон оиласида туғилган.

Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон туманида оддий ишчи сифатида бошлади.

1982 йили Тошкент политехника институтининг механика-машинасозлик факултетини битирди.

1982—1995 йилларда «Фарғонанефттеххиммонтаж» қурилиш-монтаж трестининг Қўқон «Промантаж» монтаж бошқармасида уста, бўлим бошлиғи, бошлиқ муовини, бош муҳандис, бошқарма бошлиғи вазифаларида ишлади. 1996 йилдан 1998 йилгача «Фарғонанефттеххиммонтаж» қурилиш монтаж тресги бош муҳандиси ва 1998 йилдан ҳозирги кунгача трест бошқарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.



У Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиш академиясини тамомлаган. 1998 йили ишдан ажралмаган ҳолда Фарғона Политехника олийгоҳининг иқтисод факултетини тугатган.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

## САРВАР ҚОДИРОВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

**Сиёсий соҳада:** ислоҳотларни демократик руҳда кечиши учун ижтимоий шарт-шароитлар яратиш; шарқона демократия тамойилларини таркиб топтириш; сиёсий маданиятни юксалтириш; ҳокимият бошқарувида фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш; қонунлар ижроси, ҳокимият ва давлат органлари устидан фуқаролар ҳамда жамоат ташкилотлари назоратини кучайтириш; омма, айниқса ёшлар ўртасида миллат ва давлат хавфсизлигига таҳдид туғдирувчи, хусусан, авторитар, миллатчилик, терроризм, диний ақидапарастлик, диний мутаассиблик каби кўринишларга қарши муросасиз кураш олиб бориш; аҳоли, айниқса, ёшлар томонидан миллий-руҳий тикланиш, миллий истиқлол мафкураси моҳиятини чуқур англаб олинишига ва теран идрок этилишига эришиш.

**Ижтимоий соҳада:** оила давлат таянчи экан, ҳар бир оиланинг ўз уй-жойи бўлишида давлатнинг моддий кўмаги зарурлигини таъкидлаш; кишилар саломатлиги ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш; хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш баробарида табақалаштирилган солиқ сиёсати юритиш зарурлатини тарғиб қилиш; ишчи кучини экспорт қилиш мақсадида махсус фонд ташкил этиш; аҳолини иш билан таъминлашда инвестиция талаб қилмайдиган фаолиятни ривожлантириш; иқтисодий фаолиятларни жиноятлашувига қарши барча чоралар билан курашиш ва бунинг учун бизнесга оид қонунларни такомиллаштириш; ёшлар ўртасида бозор кўникмаларини қарор топтириш ва, шунингдек, катта ёшдаги, хусусан, нафақахўр, ногирон кишиларга давлат томонидан имтиёзлар ва моддий ёрдам миқёсларини кенгайтириш; рақобатчиликни эътироф этган ҳолда, хотин-қизларни мураккаб ва ўзига хос эҳтиёжларга муҳтож шахс сифатида уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг алоҳида табақалаштирилган тизимини яратиш зарурлиятини таъкидлаш.

**Иқтисодий соҳада:** аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва шу асосда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ва истеъмолни жаҳоннинг ўртача мамлакатлари қаторига олиб чиқиш; янги технологияларни қўллаш, ишлаб чиқаришда чуқур структуравий ўзгаришларга эришиш; мамлакатимизни жаҳон иқтисоди билан чуқур интеграциялашуви баробарида экспорт потенциалини ошириш ва ниҳоят, мустақиллигимиз пойдеворини ташкил этувчи миллий бойликни асраб-авайлаш ҳамда ошириб бориш.

**Маънавий соҳада:** маънавий-маданий меросга, миллий-фалсафий, бадиий, ахлоқий ва сиёсий тафаккурга таяниш; ёшлар тарбиясида анъанавийлик ҳамда ворисийлик каби фазилатларни шакллантиришга эришиш; тил миллат ва маънавият кўзгуси эканлигини назарда тутиб, давлат тилидан фойдаланишнинг ижтимоий-сиёсий, илмий ва халқаро кўламларини янада кенгайтириш.

**Кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасида:** Таълим ва тарбиявий ишлар учун оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари билан бир қаторда давлат органлари масъуллигини оширишга интилиш, истеъдодли ўғил-қизларимизни қўллаб-қувватлаш ва барча олий маълумотли ёшларни салоҳиятига яраша кафолатланган меҳнат билан таъминлашга эришиш ва шу кабиларни ўзимнинг Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг сайловолди дастури доирасидаги энг муҳим вазифаларимдан деб ҳисоблайман ҳамда уларга ўз фаолиятимда қатъий амал қилишни миллий ҳамда фуқаролик бурчим деб биламан.

# ФИКРЛАШГА УНДОВЧИ ДАРСЛИК

Ҳозирги таълим тизимимизда фарзандларимиз боғча ва бошланғич синфлардаёқ адабиёт намуналари билан муайян даражада танишадилар. Бироқ адабиёт махсус ўқув предмети сифатида 5-синфдан ўқитила бошлайди. Бинобарин, адабий таълимнинг йўналиши, таъбир жоиз бўлса, тақдири кўп жиҳатдан айни шу синф учун мўлжалланган ўқув қўлланмасига боғлиқ.

Мана, қўлимда яқингинада чоп этилган 5-синф «Адабиёт» дарслик-мажмуаси китоби. Бу китобни варақлар эканман, кўз олдимдан шўро даврида чиққан «Ватан адабиёти», Истиқлол йилларида яратилган «Ўзбек адабиёти» дарсликлари бирма-бир ўтди... «Ватан адабиёти» китобларининг айрим фазилатларини асло камситмаган ҳолда, улар бутунаси яккаҳоким мафкура тарғиботига қаратилганлигини ўйлаб, бугун хижолат тортасан киши... Ҳар бир синф дарслигида Ленинни, партия ва шўро тузумини, улар инъом этган «бахтли ҳаёт»ни шарафловчи ўнлаб асарлар бўларди. Уларнинг бадииятга қанчалик алоқаси борйўқлиги билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Ниҳоят, 1991 йили нуфузли ижодий гуруҳ томонидан тузилган ўқув дастури ва шу дастур асосида яратилган «Ўзбек адабиёти» дарсликлари бундай нохуш ҳолатларга чек қўйди. Адабий таълимга қуруқ тарғибот қуроли эмас, биринчи галда «кўнгил иши», санъат ҳодисаси, ёш авлод қалбига нафосат, соф эзгу туйғулар олиб кириш, комил инсонни тарбиялаш воситаси сифатида қараладиган бўлди.

Хўш, янги «Адабиёт» дарслик-китобининг амалдаги «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуасидан фарқи нимада?

Биринчидан, дарслик учун асарларни танлаш, муайян тизимга солиш, мақсадга йўналтириш, гуруҳлаштиришда 5-синф ўқувчисининг ёш хусусияти, адабиёт бўйича тайёргарлиги, қизиқиш ва майллари тўла ҳисобга олинган. Иккинчидан, дарслик учун энг баркамол — юксак бадиият намуналари билимдонлик ва нозик дид билан танланган. Миллий адабиётимиз, маданиятимиз намуналари билан баробар жаҳон бадиияти дурдоналари ёндош ҳолда берилган. Айниқса, Имом Бухорий ҳадислари, Конфуций ҳикматлари, Алишер Навоий, Саъдий Шерозий ижодидан намуналар, Бобур рубоийлари, А. Қодирийнинг «Жинлар базми», Ч. Айтматовнинг «Олтовлон ва еттинчи», А. Экзюперийнинг «Кичкина шаҳзода», Н. Думбадзенинг «Hellados» асарлари дарслик-мажмуага зеб бериб турибди. Бир вақтлар мактаб адабиёт дарсликларига киритилган, кейинчалик негадир дарсликдан тушиб қолган «Уч оға-ини ботирлар», Муқимий «Саёҳатнома»си, Ҳ. Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» асарларининг қайта тикланиши, менинг назаримда, мақбул иш бўлган.

Олдинлари дарслик учун гоҳо ўқувчиларнинг «ёш хусусиятлари», «педагогик мақсадлар»га мослиги баҳонасида жўнроқ, ибтидоийроқ асарларни олиш ҳолларига ҳам дуч келар эдик. Бу дарсликда бундай ҳол деярли учрамайди. 5-синф ўқувчисига раво кўрилган ҳар бир асар ҳар қандай ёшдаги, савиядаги ўқувчига маънавий озиқ бера олади, уларни турли ёш ва оила аъзолари орасида ўқиб ҳузур қилиш мумкин. Бинобарин, бу китоб нафақат мактаб дарслигини, балки ҳар бир ўзбек хонадони китоб жавонини ҳам безашига аминман.

*Тикланиш ишлари*

Мумтоз адабий асарларимиз ҳақида гап кетганда, «тушунилиши қийин» деган иборани тез-тез эшитиш мумкин. Бу гапда қанчалик жон борлигини билмадиму, ушбу дарсликни ўқиб, бир қиёс мени ҳайратга солди. Дарсликда Бобурнинг саккизта рубоийси ва улардаги «тушунилиши қийин сўзлар» луғати келтирилган. Улар бор-йўғи — 11 та; улар орасида «нома», «сори», «толе» сингари тушунилиши қийин бўлмаган сўзлар ҳам бор. Айни пайтда Э.Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасидаги «тушунилиши қийин сўзлар» луғати-23та. Мумтоз шеъриятимиздан шунақа барчага «тушунарли» асарларни топиш мумкин экан-ку!

Яна бир муҳим жиҳат — келтирилган рубоийлар орқали Бобур ҳаёти ва шахсиятининг энг муҳим қирраларини, шоирнинг қалб розларини билиб олиш, тасаввур этиш мумкин!

Дарсликдаги энг муҳим янгилик асарларни қай йўсинда талқин этиш, ўтишўқитиш услуби билан боғлиқдир. Авваллги дарсликларда ҳамма нарса тайёр ҳолда берилар, дастлаб муаллиф ҳақида маълумот, сўнг асар матни, охирида эса ўша асар таҳлили тақдим этиларди. Бу бир қарашда ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам қулай эди. Янги дарслик муаллифлари мана шу «қулай» усулдан воз кечганлар ва менимча, тўғри қилганлар. Янги дарсликда асарлар таҳлили ўрнига матн бўйича ўнлаб савол ва топшириқлар берилган. Бу савол ва топшириқлар ўқувчини ҳам, ўқитувчини ҳам мустақил ишлашга, фикрлашга ундайди, шунга мажбур этади. Бу ҳол ҳозир амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг бош йўналишига тўла мос келади.

Янги дарслик-мажмуа моҳиятини тўла тушуниб, англаб, билимдонлик ва маҳорат билан иш олиб борилса, яқин келажакда адабий таълим соҳасида жиддий ўзгаришлар юз беражагига аминмиз.

Ниҳоят, икки оғиз сўз дарслик-мажмуанинг муаллифлари ҳақида. Қўшиқчиликда «ҳамнафас-жўровоз» деган ибора бор. Истеъдод йўналиши, овози, диди бир-бирига яқин санъаткорларга нисбатан шундай ибора қўлланилади. Ҳамнафас ҳофизлар жўрлигида ижро этилган, ноёб яхлит санъат даражасига кўтарилган ашулалар кўп. 5-синф «Адабиёт» дарслиги муаллифлари таниқли мунаққидлар Наим Каримов ва Умарали Норматовлар ижодий ҳамкорлигида ҳам айни шундай ҳамнафас-жўровозликни кўриш мумкин. Бу ҳол дарслик савиясига сезиларли таъсир кўрсатган, десак хато бўлмаса керак.

**Б. МАҲАММАДХЎЖАЕВА,**
**Тошкентдаги 249-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**



## «МИЛЛИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА»

Ўзлигини англаётган халқимиз учун 20-30-йилларда Туркистон — Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, саводхонлик, ҳарбий иш, маориф, санъат, давлат қурилиши ва ҳуқуқ соҳаларида ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолар ҳақида маълумот берувчи «Миллий матбуот саҳифаларида» библиографик кўрсатгич катта аҳамиятга эга. «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1921-26 йилларида босилган мақолалар рўйхатини ўз ичига олган ушбу йўлланма яқинда «Турон» вилоят илмий универсал кутубхонаси ходимлари (тузувчилар: Ф. Нуриддинова, В. Собирова, Э. Солиҳов) томонидан нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Ушбу библиографик кўрсатгичда йигирмадан ортиқ соҳа бўйича бир минг олти юздан ортиқ мақолаларнинг номлари келтирилган. Маълумки, 20-30-йиллар ўзбек фани яхши ўрганилмаган. Ушбу библиография бу даврнинг ҳамма соҳалари бўйича нисбатан тўлиқ маълумот бериб, олимларга ушбу кемтикликни тугатишга ёрдам беради. Мақолалар рўйхати олимларга у ёки бу фаннинг тадрижий ривожланиши бўйича маълумот берувчи маърифий қўлланма, тадқиқотчилар учун дастур-ул-амал вазифасини ўтайди. Унда номлари ҳали кўпчиликка нотаниш маърифатпарвар оталаримизнинг ишлари ҳақида дастлабки маълумотлар олиш мумкин. Қўлланманинг кейинги йил нашрларини ҳисобга олиб бир таклиф киритмоқчимиз.

Кейинги йўлланмада газетанинг тўртинчи саҳифасидаги катта-катта эълонлар ҳақида ҳам маълумот берилса. Шунингдек, газетадаги кичик-кичик мақолалар ҳам кўрсатгичдан ўрин олса яхши бўларди. Чунки бундай кичик мақолаларда халқимизнинг фожиали ҳаёти акс этган. Чунончи, «Туркистон» газетасининг 1924 йил 25 ноябрида қуйидаги кичик хабарда шўролар халқимизни саводсиз сақлаб туриши учун ичкилик йўли билан инсон эътиқодидан оздирганлиги яхши акс этган:

**ИЧКИЛИК АВЖ ОЛДИ**

Ҳозирги бизнинг Чимкентда баъзи полициячиларимиздан тортиб қора халқни оқартирғучи ўртоқларимизгача ичкилик билан мубтало бўлганлар. Замонамизда тараққий қилиши лозим бўлғон маданият ва маориф ўрнига тескарича ичкиликни тараққий қилиши истиқболимиз учун хавфлидир. Бир киши.

Ушбу мақолалар кўрсатгичи ота-боболаримизнинг ёш авлод келажаги учун қанчалик жон куйдираётганликларини кўрсатувчи кўзгу ҳисобланади.

**Эргаш УМАРОВ**

